

11. Ишлаб чиқариш корхоналари билан таълим муассасаларининг ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, корхоналарда талаба(ўқувчи)лар амалиётларини самарали йўлга қўйиш ва ҳоказолар киради.

Юқоридаги муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши Республикамизда рақобатбардош етук малакали мутахассисларнинг шаклланишига ва шу билан биргаликда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг юксалишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил 25 январь. Режим доступа: <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

2. Бекмирзаев А.Ш., Бекмирзаев М.А., Бекмирзаева О.А. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари. “Маҳаллий хом-ашёлардан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илмий-технологик масалалари” номли Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами, Наманган, НамМТИ, 2011 йил.

М.А. Бекмирзаев, Л.Абдуолимова

Наманган муҳандислик-технология институти

О.Бекмирзаева

Наманган шаҳар 49-махсус мактаб интернат

Наманган, Ўзбекистон,

mirzo1979@umail.uz

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада бугунги кундаги энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланган таълим сифати, уни янада ошириш, таълим сифатини оширишда педагогик технологиялар, педагогик технологияларнинг моҳияти ва улардан самарали фойдаланиш масалалари тўғрисида баён қилинган.

Калит сўзлар: таълим, мутахассис, ўқитувчи, ўқувчи, педагогика, инновацион таълим технологиялари, сифат.

M. Bekmirzayev, L. Abduolimova

Namangan Engineering and Technology Institute

O. Bekmirzayeva

Namangan 49 special boarding school

Namangan, Uzbekistan

mirzo1979@umail.uz

TRAINING COMPETITIVE QUALIFIED PROFESSIONALS - GUARANTEE OF DEVELOPMENT

Abstract. *The article describes the quality of education, which is one of the most important priorities today, its further improvement, pedagogical technologies in improving the quality of education, the essence of pedagogical technologies and their effective use.*

Keywords: *education, specialist, teacher, student, pedagogy, innovative educational technologies, quality.*

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилиб, бундан кўзланган асосий мақсад таълим муассасаларида таълим сифатини оширишдир. Бу борада таълим технологияларининг ўрни беқиёсдир. Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришдир.

Республикаимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”, - дея таъкидлаб ўтдилар. Юртимизда педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришаётган ходимларга юқори маош тўлаш тизимининг жорий этилиши ҳам бу борадаги дастлабки қадамлардан биридир [1].

Бугунги кунда таълим муассасаларида инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашдан мақсад, замонавий технологиялар ёрдамида уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига ва шу билан бирга, хулосаларни бера олишларига, таҳлил натижаларига бевосита баҳо бера олишларига ўргатишдан иборатдир. Дарс жараёнида ўқитувчи шахсининг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига зарур шарт-шароит яратади ва шу билан бир қаторда

бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажариши билан бирга ўқувчини ижодкорликка ўргатади.

Педагогик технология бу – олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараёни амалиётда режали ва бир маромда тадбиқ этиш ёки педагогик масалаларни ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимидир. Ёки бошқача айтганда, педагогик технологиялар – педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган, аниқ ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лойиҳалаштирилган, такрорлана олувчи педагогик ҳаракатлар тизимидир.

ЮНЕСКО таърифига кўра эса, педагогик технологиялар таълим жараёнини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методидир, дея таърифланади.

Педагогик технологиянинг асосий моҳияти таълимда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишдир. Таълимда берилаётган билимларни талабаларнинг аксарият кўпчилик қисми пухта ўзлаштириши педагогик технологияларни жорий этишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Педагогик технология асосида дарс ўтишда энг асосий талаб талабанинг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутати. Педагогик технология ўрганилаётган соҳа бўйича талабаларда билим етарлича бўлмаган ҳолда ҳам талабада салбий кечинмага ўрин қолдирмасликни, бу талабанинг айби эмаслигини тан олишни талаб этади. Фаоллик кўрсатилса, билимларни ўзлаштириб олишга талабаларда ишонч пайдо бўлишига эришиш мумкин.

Узлуксиз таълим тизимининг олдида қўйилган талабга мувофиқ, олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, давлат ва жамият олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади [2].

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологиялар уларда ижтимоий нормаларга мос онгли интизомнинг вужудга келиши, билим, кўникма ва малакаларни онгли ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши билан аҳамиятлидир. Бу технологиялар жумласига дидактик ўйинлар, муаммоли таълим, модулли таълим, коммуникатив таълим ва ҳамкорликда ўқитиш технологиялари киради.

Ижодий ўйин машғулотида гуруҳдаги барча ўқувчилар ҳамкорликда ишлайдилар, аввалги машғулотларда ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллайдилар. Бу эса уларда ўз билим ва иқтидорига нисбатан ишонч ҳиссини уйғотади.

Замонавий ўқитувчи дарс жараёнида ўз ўқувчиларини таълим жараёнига ижодий ёндашув асосида қарашларини ташкил қилиши, уларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириши баробарида илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиши керак бўлади.

Замонавий педагогик технология асосида дарс бераётган ўқитувчи дидактик ўйинлар, топишмоқлар, бошқотирмалар, тестлардан дарснинг исталган вақтида фойдаланиши мумкин. Бу эса ўқувчиларни изланувчанликка, топқирликка ундайди, дарсга безътибор ўқувчи қолмайди. Дарс жараёнида ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Дарс марказида ўқувчи фаолияти ётади. Ўқитувчи эса йўналтирувчи, маслаҳатчи вазифасига ўтади. Бунда ўқитувчи муаммоли топшириқлар бериб, ўқувчини ана шундай вазиятларни ҳал қилишга ўргатади ва бунинг натижасида ўқувчига янги мавзу маълумотларини бериб боради.

Педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарслар ташкилий усуллари, ўтказиш методларига кўра ўқувчи эҳтиёжига мос тушиши керак, чунки бундай дарслар бола руҳиятига яқинроқ бўлади. Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган қизиқиш, ҳожиш ва истакларини қўзғатиш асосида мақсадга эришиш мотивация бўлиб, бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ички яқинлашувидир [3].

Мотивация ўқувчининг ички имкониятларини ишга солиш, у ёки бу билимни олишга ундаш ва қизиқишларни уйғотиш демақдир. Бунда асосан ўқувчининг фаоллиги ошиб боради ва уни қўйидаги омиллар таъминлайди:

- Ўқув материални онгли равишда ўзлаштириб олишга тайёрлиги;
- Мустақил фаолият юритишга тайёрлиги;
- Фаолиятини тушуниб амалга ошириши;
- Ўзининг шахсий даражасини оширишга мойиллиги;
- Ўқув жараёнининг самарали кечишида ўқувчининг мустақил фаолият юритиши дарс самарадорлигини таъмин этади.

Қўйидаги мотивлар дарсда ўқувчи фаоллигини оширади:

- Ўз фикрини ҳимоя этиш;
- Мунозара, муҳокамада фаол иштирок этиш;
- Ўртоқлари жавобларига танқидий қарай олиш;
- Қолоқ, ўзлаштириши қийин, бўш ўқувчиларга ёрдам бериш;

- Ўзига ижодий фаолият назоратидан топшириқларни танлай олиш;
- Ўз қизиқишлари асосида мустақил машқ ва масалалар ечиш.

Ўқитувчининг ўз ишига фидоийлиги, ўқув материалларида янгиликларнинг мавжудлиги, замонавий дарсларни ташкил этиши, дарс шаклларини янгилаши, оммалаштириб бориши, муаммоли, компьютерли дарсларни ташкил этиши, дарсларда мультимедия тизимидан фойдаланиши, ўзаро бир-бирини ўқитишни йўлга қўйиши, олган билим ва кўникмалари юзасидан тест синовларини ташкил этиши, мусобақалар ташкил этиши, ўқитувчининг маҳорати ва ўз ўқув предметига муносабати, ўқувчига дўстона муносабатда бўлиши ўқувчиларнинг дарсга қизиқишларини оширишдаги асосий мотивлардир.

Юқоридаги омиллар ўқувчининг ўқув меҳнатиغا бўлган ижобий муносабатини шакллантиради ва ўз навбатида дарс самарадорлигини ошириб, ўзлаштиришни кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир дарсда ўқувчининг фаол иштироки дарснинг самарали кечишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил 25 январь. Режим доступа: <https://uza.uz/oz/politics/o'zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-25-01-2020>

2. Бекмирзаев А.Ш., Бекмирзаев М.А., Бекмирзаева О.А. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари. “Маҳаллий хом-ашёлардан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илмий-технологик масалалари” номли Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами, Наманган, НамМТИ, 2011 йил.

3. Бекмирзаев М.А., Бекмирзаева О.А. Таълим тизимида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти. “Бошланғич таълимнинг долзарб муаммолари” номли Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами, Хоразм, УрДУ, 2011 йил.